

---

## “Бүш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” ўтказилди.

Данғара тумани Увайсий МФЙда жойлашган Маданият маркази биносида Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ҳамда мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигига “Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси” ўтказилди.

Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида иш берувчи тумандаги 60 тадан зиёд бюджет ҳамда тадбиркорлик субъектлари ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида иш билан банд бўлмаган ёшларнинг 139 нафарининг бандлиги таъминланди.

Шу куни ўзини-ўзи банд қилиш истагин билдирган "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ҳамда "Ёшлар дафтари"га киритилган 25 нафар фуқароларга ВМ-252-сон қарорига асосан субсидия асосида тикув машиналари топширилди.

Хайдовчилик гувоҳномаси олиш истагини билдирган 7 нафар ҳамда харбий хизматга бориш истагини билдирган 21 нафар ёшларга "Ёшлар жамғармаси" томонидан маблағлар ажратилиб берилди.

---

2023-12-15 11:21:51